

ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ

№ 2/1/2024

Тошкент шаҳри

“12” ноябрь 2024 й.

«GOLDEN ORTHOPEDICS» МЧЖ кохонаси номидан Низом (Устав) асосида ҳаракат килувчи раҳбар **Ходжакулов А.** (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади), бир томондан ва “ALFRAGANUS UNIVERSITY” МЧЖ номидан Устав асосида ҳаракат килувчи директор **Юлдашев Ё.С.** (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади), иккинчи томондан биргаликда “Тарафлар”, алоҳида эса “Тараф” деб аталувчилар, мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур хўжалик шартномасига кўра “Ижрочи” “Буюртмачи”нинг топшириғига асосан мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни бажариш, “Буюртмачи” ушбу хизматларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. “Ижрочи” қуйидаги хизматларни (Кейинги ўринларда “Хизматлар”) бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

- хўжалик юритувчи субъектларда солиқ ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрлаш;
- хўжалик юритувчи субъектларда солиқ солиш мақсадларидаги ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрлаш.

2. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари:

2.1.1. Шартнома предмети доирасида бажарилиши лозим бўлган “Хизматлар”ни мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлган, календар режа асосида сифатли бажариш.

2.1.2. Илмий-техник топшириқни қабул қилиш ва баҳолаш шартноманинг бир қисми бўлган техник топшириқ ёки иш олиб бориш тўғрисида бошқа ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга ошириш.

2.1.3. “Буюртмачи” томонидан амалдаги конунчилик доирасида берилган топшириқларни бажариш.

2.1.4. Корхона фаолиятига таллуқли маълумотларни ошкор қилмаслик.

2.2. “Ижрочи”нинг ҳуқуқлари:

2.2.1. Зарурат туғилганда “Ижрочи” мазкур шартнома доирасида хизматларни кўрсатишда “Буюртмачи”нинг ёзма розилигига асосан учинчи шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

2.3. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

2.3.1. Мазкур шартнома доирасида хизматларни кўрсатишда “Ижрочи”ни зарур ҳужжатлар ва маълумотлар билан таъминлаш.

2.3.2. “Хизматлар”ни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш.

2.4. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

2.4.1. Ҳар қандай вақтда фаолиятига аралашмаган ҳолда “Ижрочи” томонидан бажарилаётган ишларнинг ҳолати ва хизматлар сифатини текшириш ҳуқуқига эга.

3. ИШЛАРНИНГ ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Шартномага кўра бажарилган “Хизматлар” учун “Буюртмачи” “Ижрочи”нинг ҳисоб-рақамига шартнома нархи тўғрисида ахдлашувга мувофиқ жами 1 000 000 сўм тўловни, шу жумладан 2024 йил бўйича 1 000 000 сўм тўловни амалга оширади.

3.2. Пул тўлаш “Буюртмачи” ва “Ижрочи” келишувига мувофиқ тугатилган иш учун босқичма-босқич амалга оширилади.

3.3. “Буюртмачи” “Ижрочи”нинг ҳисоб-рақамига пул ўтказиш тартиби асосида ҳақ тўлайди.

4. БАЖАРИЛГАН ИШ НАТИЖАЛАРИНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома бажарилишининг айрим боскичларида ва шартнома муддати тугаганда эришиладиган натижалар ушбу шартноманинг таркибий қисми бўлган календар режада ўз аксини топади.

4.2. Ишлар тугатилгандан кейин “Ижрочи” “Буюртмачи”га бажарилган ишлар бўйича ҳисобот тақдим этади.

4.3. “Буюртмачи” “Ижрочи” томонидан тақдим қилинган бажарилган ишлар бўйича ҳисоботни текширади, ва ҳисоботда камчиликлар бўлмаса бажарилган ишлар бўйича ҳисоботни қабул қилади.

4.4. “Ижрочи” томонидан “Хизматлар” муддатидан олдин бажарилган тақдирда “Буюртмачи” “Хизматлар”ни муддатидан олдин қабул қилиши ва “Ижрочи”га шартнома нархида ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга.

4.5. Агарда “Хизматлар” бажарилиш жараёнида натижалар салбий бўлишини муқаррарлиги ёки ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, “Ижрочи” уни тўхтатиши ва ундан кейин 10 кун ичида “Буюртмачи”га тўхтатилганлигини маълум қилиши шарт.

Шундай ҳолат келиб чиққан тақдирда, “тарафлар” 10 кун ичида ишни давом эттириш йўналишларининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида масалани кўриб чиқишлари зарур.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги “Тарафлар” амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланадилар.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Шартноманинг амал қилиш муддати 2024 йил 31 декабрь.

6.2. “Тарафлар” ўртасида мазкур шартнома доирасида юзага келадиган келишмовчиликлар музокаралар олиб бориш орқали ҳал этилади.

6.3. Тарафлар ўртасида юзага келган келишмовчиликларни музокаралар олиб бориш орқали ҳал этишнинг имкони мавжуд бўлмаган тақдирда низолар “Буюртмачи” жойлашган жойдаги тегишли судда кўриб чиқилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. “Тарафлар”нинг ихтиёрига биноан қўшимча шартлар қўлланилиши мумкин.

8. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

Буюртмачи:

«GOLDEN ORTHOPEDICS» МЧЖ

Адрес: Тошкент шаҳри Олмазор тумани Кичик Халка йўли 4-5 бино

ИНН: 304 325 572

Р/сч: 20208000500670451001

Банк: «DAVR BANK» АКБ Олмазор филиали

МФО: 01121

Тел: (90) 9091442

ОКЭД: 86100

Директор:  Ходжакулов А. м.ў.

Ижрочи:

“ALFRAGANUS UNIVERSITY” МЧЖ

Адрес: Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Юқори қора-қамиш кўчаси, 2-А уй.

Банк: “Ипотека Банк” АТИБ Юнусобод филиали

Банк коди: 00837

Ҳисоб рақами: 20208000505551165001

СТИР: 309738309

ОКЭД: 85420

Директор:  Юлдашев Ё.С.



2024-йил



Қ/1/2024-сонли шартнома

“ҚАСДИҚЛАЙМАН”

“AL-FARABUS UNIVERSITY”

Иловавланган таълим ташкилоти

ректори М.М.Махмудов

**“Хўжалик юритувчи субъектларида солиқ ҳисоби ва ҳисоботини
такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрлаш”
мавзусида иш олиб бориш мақсадга мувофиқлигининг
ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ АСОСНОМАСИ**

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектларида солиқ ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари:

Хўжалик юритувчи субъектларида солиқ ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрлаш мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар бажарилади:

- хўжалик юритувчи субъектларида солиқ солиш мақсадларидаги ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрлаш;

- хўжалик юритувчи субъектларида солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсати ишлаб чиқиш ва фойдаланиш учун “GOLDEN ORTHOPEDICS” масъулияти чекланган жамиятига бериш.

Асосий техник-иқтисодий курсаткичлар:

Хўжалик юритувчи субъектларида солиқ солиш мақсадларида ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати қуйидагиларга имкон беради:

биринчидан, хўжалик юритувчи субъектларининг ҳисоб сиёсати молия-хўжалик фаолиятининг барча жихатларини тулиқ камраб олган ҳолда изчил шаклланиши таъминланади;

иккинчидан, солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсатининг ундан фойдаланувчи учун оддий ва тушунарли бўлишини таъминлайди;

учинчидан, хўжалик юритувчи субъектларида солиқ ҳисобини тўғри ташкил этиш ва ҳисоботини тузишни тартибга солиш имконини беради. Бу эса, солиқларни тўғри ҳисоб-китоб қилиш, солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этиш ва тўлаш тартиби бўйича ахборот олиш имкониятини оширади.

Жорий қилинган объект ва эришилган натижалар:

“GOLDEN ORTHOPEDICS” масъулияти чекланган жамиятига жорий этилади.

“GOLDEN ORTHOPEDICS” масъулияти чекланган жамиятида солиқ ҳисоби ва ҳисоботи бўйича услубий таъминот масаласи ҳал этилади.

Масъул бажарувчи:

“Бухгалтерия ҳисоби ва солиқ”
кафедраси доценти в.б, PhD
А.Қ.Антимбетов

2024-йил 12-ноябрь
К/1/2024-сонли шартномага 2-илова

Илмий-техник мавзунинг шартнома нархи буйича келишув
БАЁНИ

2024-йил 12-ноябрда тузилган К/1/2024-сонли “Хўжалик юритувчи субъектларида солиқ; хисоби ва хисоботини такомиллаштириш буйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрлаш” мавзусидаги шартнома бўйича буюртмачи номидан ва ижрочи “ALFRAGANUS UNIVERSITY” нодавлат таълим ташкилоти тасдиқлаймизки, илмий-тадқиқот, лойиха-конструкторлик ва жорий этиш ишларини бажариш бўйича шартнома нархи 1 000 000 сум миқдорида белгилашга келишиб олдилар.

Ушбу келишув баёни буюртмачи ва бажарувчи орасидаги ўзаро ҳисоб-китоб тўловлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Буюртмачи:

«GOLDEN ORTHOPEDICS» МЧЖ
Адрес: Тошкент шаҳри Олмазор тумани Кичик Халка йўли 4-5 бино

ИНН: 304 325 572

Р/сч: 20208000500670451001

Банк: «DAVR BANK» АКБ Олмазор филиали

МФО: 01121

Тел: (90) 9091442

ОКЭД: 86100

Директор:  Ходжакулов А.



Ижрочи:

“ALFRAGANUS UNIVERSITY” НТТ
Адрес: Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Юқори қора-қамиш кўчаси, 2-А уй.

Банк: “Ипотека Банк” АТИБ Юнусобод филиали

Банк коди: 00837

Хисоб рақами: 20208000505551165001

СТИР: 309738309

ОКЭД: 85420

Ректор:  М.М.Махмудов



Хужжат IDси (Didox.uz): 11EFA3378094A57EB9841E0008000075
Хужжат IDси (Rouming.uz): 67371a28ad516efdbd3384ef
электрон хужжат идентификатори



Стандарт

12.11.2024 даги К/1/2024-сонли шартномага
15.11.2024 даги 00026-сонли
Хисобварақ-фактура

Етказиб берувчи: "ALFRAGANUS UNIVERSITY" MCHJ
Манзил: ГОРОД ТАШКЕНТ ЮНУСАБАДСКИЙ РАЙОН
Тикланиш МФЙ, Юкори коракамиш кучаси,
2а-уй
Етказиб берувчининг СТИР рақами (СТИР): 309738309
ҚҚС тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди: 303010201200 (гувоҳнома фаол)
Х/Р: 20208000505551165001
МФО: 00837

Сотиб олувчи: "GOLDEN ORTHOPEDICS" MCHJ
Манзил: KICHIK XALQA YO'LI KO'CHASI, 4-5-BINO
Сотиб олувчининг СТИР рақами (СТИР): 304325572
ҚҚС тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди: 326090091610 (гувоҳнома фаол)
Х/Р: 20208000500670451001
МФО: 01121

№	Махсулот номи (хизматлар)	Товар (хизмат) лар Ягона электрон миллий каталоги бўйича идентификация коди ва номи	Ўлчов бирлиги	Миқдор	Нарх	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда қиймати	Товарни келиб чиқиши
							Ставка	Сумма		
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Консультационные услуги	10602002001000000 - Бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув ҳисоби бўйича маслаҳат хизматлари	xizmat (so'm)	0.00000	892 857.14	892 857.14	12%	107 142.86	1 000 000.00	Хизмат кўрсатиш
Жами						892 857.14		107 142.86	1 000 000.00	

Жами тўлов учун: Бир миллион сум 00 тийин . ҚҚС: 107 142.86 .

Рахбар: YULDASHEV YAKUB SABIROVICH
Бош ҳисобчи: YAKUBOV XOJIAKBAR AXRORBEK O'G'LI
Товар берди:

Рахбар: XODJAKULOV AXMADJON MAMADJANOVICH
Бош ҳисобчи: XODJAKULOV AXMADJON MAMADJANOVICH
Қабул қилди:

№2020805635 2024.11.15 15:38:53

ЮБОРИЛГАН

YULDASHEV YAKUB SABIROVICH
Оператор: didox.uz
IP: 81.95.228.207

№2016654413 2024.11.16 12:41:01

ТАСДИҚЛАНГАН

XODJAKULOV AXMADJON MAMADJANOVICH
Оператор: didox.uz
IP: 213.230.78.68